

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 6 декабрь • № 49 (966)

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Чунки, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти фуқароларнинг жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан соғломлик даражасига бевосита боғлиқ эканлигини бугунги кунда ҳеч ким инкор эта олмайди.**

Таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб аҳолини, айниқса, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, замон талабларига мос, етук ҳамда баркамол авлодни парваришлаб вояга етказиш каби масалалар ҳукуватимиз сиёсатидаги устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилганлиги ҳам юртимиздаги барча саъй-ҳаракатлар аҳолининг фаровон, соғлом ҳаёт кечиришини таъминлаш учун хизмат қилишини англатади. Зеро, Бош Қомусимизнинг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга"лиги қатъий белгиланган. Ундан ташқари, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида ҳам шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа

эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг соғлиги сақланишини таъминлайди.

Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилини-

шини кафолатлайди. Ушбу қоида-ни бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар". Албатта, бугунги тараққиётимизга разм соладиган бўлсак, соҳада эришилаётган жамики ютуқлар, янгиланиш ва ўзгаришлар миллий қонунчилигимиз мустақкам қарор топганлигидан далолат беради. Чунки, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган бундай кўп қиррали фаолиятлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, халқимизни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш кўламини кенгайтириш, аҳоли соғлигини мустақкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тар-



зини шакллантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастурларида белгиланган тадбирларнинг изчил ижроси натижасида халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгаймоқда. Бирламчи шифо муассасалари – қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиника тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда. Уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш,

соҳада жаҳон тиббиёти ва илм-фани ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Саломатлик" лойиҳаси ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида ҳудудларда аҳолининг қишлоқ врачлик пунктларига ишончи бир неча баробарга ортган. Бу касалликларнинг олдини олиш, сурункали хасталикларни камайитиришда сифат ўзгариши юз бераётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



## Соғлом бола ҳафталиги ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА



**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Давлат дастури доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонунини ижро этиш бўйича кенг миқёсда самарали ишлар олиб борилмоқда.**

Маълумки, мазкур фаолият 5 ёшгача бўлган болалар учун А витамини саплементациясини амалга ошириш, ҳомилалар аёлларни поливита-

минлар билан таъминлаш ҳамда аҳолининг тўғри овқатланиши бўйича билим ва кўникмаларини бойитишда хизмат қилади.

Таъкидлаш муҳимки, 2002 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ёрдамида "А витамини танқислиги профилактикаси" лойиҳаси давом этиб келмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида республика миқёсида "Соғлом бола ҳафталиги" шиори остида шу кунгача А витамини саплементациясининг 20-ТУРи ўтказилди. Унинг ҳар бир ТУРида 6 ойдан 5 ёшгача бўлган 2,5 млн. болалар А витамини қўшимчалари билан таъминланди.

**Жорий йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамкорлигида юртимизда 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш мақсадида "Соғлом бола ҳафталиги" тадбири бошланди. Мазкур тадбир 7 декабргача давом этади.**

– "Соғлом бола ҳафталиги" тадбири ҳар йили қизгин тарзда олиб борилади. Ушбу тадбирда оилавий поликлиникамиз ҳудудидаги 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар кенг қамраб олинмоқда. А витаминининг афзаллиги шундаки, вазни етарли

(Давоми 2-бетда).

## МЕҲР ВА ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 7 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4153-сонли Фармойишига мувофиқ, "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган 80 мингга яқин кам таъминланган кекса ва ёлғиз пенсионер, ногиронлар ҳамда сурункали касалликка чалинган, имконияти чекланган болалар юқори малакали мутахассислар томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.**

– Албатта, ушбу чуқурлаштирилган тиббий кўриқнинг мунтазам тарзда ўтказиб келинаётганлиги аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошишида, шунингдек касалликларнинг олди олинишида муҳим аҳамият касб этиши баробарида тиббиёт ходимларимиз пойтахтимиздан келаётган юқори малакали мутахассислар билан бирга билим ва тажрибаларини бойитиб келмоқдалар, десам муболаға бўлмайди. Айниқса, аҳолининг барча қатлами жалб этилаётганлиги бу, албатта, **"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!"** шиорининг мазмун ва моҳиятида тўлалигича акс этади, – дейди Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи **Валихон Ҳақимов.**

Эътирофлиси шундаки, мазкур чуқурлаштирилган тиббий кўриқларда иштирок этаётган ҳар бир фуқаро Юртбошимизнинг бундай эътибор ва ғамхўрлигидан мамнун бўлиб, ана шундай жаннатмакон юртда яшаётганлигидан фахрланади.

Ўз мухбиримиз.

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шошилич тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими шаклланди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг ўн уч минтақавий, бир юз етмиш уч туман ва шаҳар бўлими ишлаб турибди. Тизимнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида шошилич тиббий ёрдам шифохоналарига "Хундай" ва "Дамас" русумидаги реаниматобел ва тез ёрдам машиналари берилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббий илмий муассасалар тармоғи кенгаймоқда. Ушбу шифо масканларида тиббий ёрдам юксак технологияларга асослангани билан аҳамиятлидир. Санитария-эпидемиология соҳасини тубдан такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини тўла намоеён этмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу борада мураккаб вазият юзага келиб турганига қарамай, мамлакатимизга хавfli юқумли касалликлар кириб келишининг

(Давоми. Боши 1-бетда).

олди олинмоқда. Бундай ютуқлар ва юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, инсон манфаатларини муҳофазалашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида одамларнинг ўртача умри узайиб, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий салоҳияти юксалиб бормоқда.

Президентимиз Исрол Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янада ривожлантириш ва тиббий хизматни халқимизга яқинлаштиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туманларда тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Жойларда замонавий тиббий диагностика марказлари ишга тушди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш тизимдаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. 2009-2013

йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Шифокор ва олимларимизнинг аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, миллатимиз генофондини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш борасидаги фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ватанимизнинг юксак мукофотлари соҳиблари кўпайиб бораётгани бунинг далилидир. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши, ҳар бир шифо маскани ҳузурида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиниши натижасида шифокорларнинг иш ҳақлари бир неча баробар ошди.

Шуни эътироф этиб ўтишимиз керакки, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор топтириш бо-



расида қонунчилик ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиликларни жараёнлари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, одамлар дунёқарашини ва фаоллигини, уларнинг онгу тафаккури юксалишига боғлиқдир. Зеро Президентимиз таъкид-

лаганларидек: "Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди".

Намоз ТОЛИПОВ.



## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

бўлмаган болалар туғилишининг олдини олиш, чақалоқлар, болалар ўлими даражаси қисқариши ҳамда туғма нуқсонли, шунингдек, секин ўсаётган болалар сони камайишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 46-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Ибрагимова.

Қайд этиш муҳимки, микронутриентлар танқислиги 80 фоиз ҳолатда барча касалликларнинг сабабчиси ҳисобланади. Бунинг учун инсон саломатлигини муҳофаза қилишда темир, йод ва А витамини сингари микронутриентлар танқислигига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. А витамини танқислиги жаҳоннинг кўп қисмида мамлакатларида аҳоли саломатлигининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилгани ва аҳоли ушбу витаминлар инсон саломатлиги учун қанчалик муҳимлиги тўғрисида чуқур маълумотга эга эканлиги боис, юқоридаги касалликлар кўрсаткичи кескин камаймоқда. Айни кунда республика миқёсидаги туман кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, мактабгача тарбия муассасаларида "Соғлом бола ҳафталиги" тадбирлари қизгинлик билан давом этмоқда.

Ибодат СОАТОВА,  
Суратлар муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Благодарность

## Спасибо за заботу и участие

Мой 14-летний сын, Турапов Азамат, получил травму руки (перелом). Мы обратились за помощью в Республиканский центр экстренной медицинской помощи. Там хорошо помогли нашему сыну. Очень хочется поблагодарить зав.отделением детской травматологии Т.Мусаева, врача-травматолога Ф.Машарипову, а также медсестер Ш.Рахимову, С.Кариеву, Р.Зайрову, Д.Хамидуллаеву, Ф.Умарову, Н.Курганову. Они оказали нам срочную помощь, хорошо помогли нашему мальчику. Везде мы нашли понимание и сочувствие.

Хорошо, когда в трудную минуту к нам на помощь приходят высококвалифицированные специалисты.

Д. МАМАНАЗАРОВА,  
г.Ташкент.

### Давра суҳбати

## ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганига 21 йил тўлиши муносабати билан Бош қомусимизнинг фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашдаги ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Давра суҳбатини марказнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Иброҳим Рустамов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Бош қомусимиз ва унинг жамиятда тутган ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқ-манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз турмуш тарзини яхшилаш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани, Конституциямизнинг юртимиз осойишталиги ва фаровонлиги, мамлакат ривожини барқарор тараққиётидаги аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди. Тадбирда Тошкент Давлат юридик университетининг "Тадбиркорлик ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Раҳматжон Бердияров ҳам сўз олиб, фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқлари хусусида маъруза қилди. Унда асосан соғлиқни сақлаш тизимига дахлдор

бўлган икки юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси, аҳолини тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш йўлидаги ҳамкорлик алоқалари, миллий қонунчиликдаги янгиликлар тўғрисида ҳам маълумотлар бериб ўтилди.

Шундан сўнг, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепциянинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ишларда мустаҳкам пойдевор бўлиши ҳамда унда ифодаланган мақсадларни амалга оширишда олдинда турган устувор вазифалар ҳақида гапириб ўтилди. Маърузаларда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти истиқболли ва муҳим йўналишларини белгилаб бериши, унинг амалиётга татбиқ

титуцияни янада чуқурроқ ўрганиш ва мазмун-моҳиятини очиб бериш, унда акс этган аниқ мақсадлар йўлидаги вазифаларни тингловчилар онига сингдиришга қаратилган давра суҳбати ҳамда очиқ мулоқотлар ташкил этилаётганига эътибор қаратдилар. Таъкидлаш ўринлики, Бош қомусимизда фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш баробарида кадрлар тайёрлаш, уларни кафолатланган таълим олишини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш масаласида ҳам муайян нормалар ҳаётга чуқур татбиқ этилмоқда.

Тадбир давомида мавзу юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб беришди.

Давра суҳбати сўнггида ўрта тиббиёт ходимларини ўқитишда ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Конституциямиз мазмун-моҳиятини уларга етказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим жараёнларида мазкур кунга бағишланган турли қўлланма ва мультимедиа дастурларидан кенг фойдаланиш, Давлат дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Намоз ТОЛИПОВ,  
Суратлар муаллифи Жасур ЖАЛИЛОВ.

## Анжуман

# ПЕДИАТРИЯНИНГ ЮТУҚ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2013 йилнинг 4 декабрь куни пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида "Педиатриянинг долзарб муаммолари"га бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда республика миқёсида фаолият юритаётган 250 дан ортиқ педиатр врачлар, шунингдек, умумий амалиёт шифокорлари, етакчи мутахассислар, хирург, инфекционист ва неонатологлар иштирок этди.

да болалар даволанишлари учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари, бирламчи тиббиёт тизимида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва соғлом авлодни шакллантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.



**Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти  
«Амбулатория тиббиёти» кафедраси доценти,  
тиббиёт фанлари номзоди:

– Ушбу илмий-амалий анжуман соҳа мутахассислари билимларини назарий ва амалий томондан бойитди десам, хато бўлмайди. Чунки, танланган мавзунинг ўзи педиатрия йўналишида иш юритиш осон эмаслигини кўрсатди. Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, улар соғлигини тиклаш, касалликларнинг олдини олиш педиатр-врачдан катта масъулият ва ўз устида тинимсиз изланишни талаб этади. Эътироф этиш жоизки, истиқлол шарофати билан соҳада самарали ўзгаришлар бўлиб, халқимизга мутахассислар томонидан сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг назарий ва амалий билим олишлари учун ҳам кенг имкониятлар мавжуд.

Кафедрамиз асосан 7-курс талабаларига бирламчи санитария тиббиёт йўналиши бўйича сабоқ беради. Талабаларга дарс жараёнида асосан, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, Президентимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган қарор ва фармонларнинг моҳияти ва ижроси, вазирлик буйруқларининг бажарилиши, болаларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, даволаш, босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларда ислохот жараёнларининг фаолиятдаги ўрни, шунингдек, тиббиёт муассасаларида ҳужжатларни тўғри юритиш бўйича таълим бериб борилади. Шунингдек, талабалар билимларини ҳар томонлама бойитиш ҳамда янгилик сари интилишлари учун илмий йўналишдаги фаолиятларга ҳам эътибор қаратамиз. Илмий-амалий анжумандаги маърузалар педиатрия соҳасидаги айрим муаммоларга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлиб, бунда тажрибали олимлар ўзларининг тақдир ва тавсияларини тақдим этганликлари келгусидаги вазифаларимизни সিқидилдан бажаришимизга замин яратиб, болаларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Шавкат Тиллаев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратди. Шунингдек, педиатрия йўналишида эришилаётган ютуқларга тўхталиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар ижроси ҳамда унинг натижаси, кейинги йилларда болалар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари пасайганлиги, неонатологиядаги замонавий



технологияларнинг афзалликлари, болаларни кўрак сути билан оқватлантириш педиатриянинг устувор йўналишига айланаётганлиги, болаларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати яхшиланганлигини таъкидлади. Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори Ботир Даминов анжуман доирасидан келиб чиққан ҳолда педиатрия-

нинг таълим тизимидаги фаолиятларига алоҳида тўхтади. Шу ўринда таъкидлашимиз муҳимки, юртимизда педиатрия соҳасида самарали натижаларга эришилмоқда. Айниқса замон талаблари даражасидаги республика перинатал марказлари ва унинг вилоят филиаллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари-

Анжуман кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича соҳанинг олим ва профессорлари, етакчи мутахассислар маъруза қилдилар. Конференцияда олимлар ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан юртимизда педиатрия соҳасидаги муаммоларнинг ечимини топиш ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар ижроси ҳамда натижалари, болалар орасида касалликларни камайтириш, бунинг баробарида соҳада қўлланилаётган замонавий диагностика ва даволаш стандартлари ҳамда неонатология ва перинатологияда киритилган замонавий технологиялар, болаларга бирламчи тиббий санитария ёрдами ни такомиллаштириш, шошилиш тиббий ёрдам сифатини ошириш, ихтисослаштирилган стационар ёрдам кўрсатишдаги муаммолар ва уларнинг ечимидagi истиқболлар кўриб чиқилди.



**Акмал РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти  
«Болалар хирургияси» кафедраси доценти:

– Илмий-амалий анжуман, айниқса, ёш педиатрлар ва мазкур соҳада илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар учун катта мактаб бўлди. Анжуман мавзусидан кўриниб турибдики, соҳада эришилган ютуқлар қаторида педиатриянинг долзарб муаммоларига алоҳида эътибор қаратилди. Танлаб олинган ҳар бир мавзу ўзининг

долзарблиги билан иштирокчиларни янада мукаммал ишлашга, шунингдек, назарий ва амалий билимларини бойитишларида муҳим аҳамият касб этди. Шу ўринда айтишим муҳимки, Андижон Давлат тиббиёт институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази профессорлари томонидан ўқилган маърузалар педиатрия йўналишидаги долзарб мавзуларни қамраб олди ва иштирокчиларнинг келгусидаги фаолиятлари самарали кечишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Кафедрамиз фаолиятига келадиган бўлсак, асосан талабаларга уч йўналишда сабоқ беради. Биринчи йўналиш – педагогик таълим (талабаларни ўқитиш), иккинчиси – илмий йўналиш, учинчиси эса даволаш ишларидан иборат. Магистрантлар ва 4-5-курс талабалари болалар хирургияси фанидан тахсил олишади. Талабаларга асосан назарий ва амалий билимлар узвийликда бериб борилади. Улар Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида хирургик муолажаларни бажариш имкониятига ҳам эгалар. Илмий йўналишдаги ишларимиз ҳам бундан мустасно эмас. Кафедрамизда 3 та докторлик диссертацияси ҳамда 8 та номзодлик ишлари амалга оширилган, 5 та ихтирога патент олинган. Изланишларимиз асосини туғма аномалиялар билан туғилган болаларни пластик операция қилиш ташкил этади. Даволаш ишлари бўйича эса магистрларимиз Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази тасарруфидаги Болалар хирургия марказида бўлиб, у ердаги амалиётларда иштирок этадилар.

Бакалаврларимиз эса Тошкент педиатрия тиббиёт институти-нинг хирургия бўлимида ўз тажрибаларини бойитадилар. Ушбу илмий-амалий анжуманда кўтарилган асосий долзарб мавзулар ўртага ташланар экан, соҳа мутахассисларининг бу йўналишдаги билим тажрибалари ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Конференция кенг аудиторияда ўтказилиб, унда иштирокчилар замонавий тиббиётнинг илмий-амалий ютуқлари билан танишдилар, тажриба алмашдилар, беморларни даволашнинг замонавий ёндошувлари ва энг яхши клиник натижаларга эришишда тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Шунингдек, илмий саломатлик йўлида олиб борилаётган фаолиятларга ҳам кенг ўрин берилди.

Ўзига хос тарзда ўтказилган мазкур конференцияда фармацевтик компанияларнинг педиатрияда қўллайдиган дори виситалари кўرғазмаси ҳам бўлиб ўтди.

**Албатта бундай нуфузли тадбирларнинг ўтказилиши соҳа ривожини рағбатлантиришида, шунингдек, мутахассисларнинг билим ва тажрибасини бойитиш ҳамда ёш мутахассисларнинг илмий йўналишдаги изланишларига кенг йўл очиб, самарали натижаларни қўлга киритишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.**

**Анжуман якунида кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар муҳокама этилиб, резолюция қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

## Ибрат

## ЯХШИ НОМ ИСТАСАНГ, ЭЛ УЧУН ХИЗМАТДА БЎЛ

**Шифокор инсоннинг бебаҳо бойлиги бўлган сихат-саломатлик посбонидир. Бу касб эгаларининг тили ва дили ҳамоҳанг, сўзлари самимий бўлиши, бемор қалбига ҳар қандай вазиятда йўл топа билиши керак. Биргина айтилган ширин сўз билан беморни оёққа тургазиш мумкин, аксинча дилга озор етказувчи гап беморнинг аҳволини баттар оғирлаштиради. Бу ёруғ олам ва ҳаёт нашидасини суришдан умидини узиб қўйган беморни ҳаётга қайтариш, унинг кўнглига ёруғ туйғуларни олиб кириш тиббиёт ходимларига хос хислатдир. Таъбир жоиз бўлса, Сурхондарё вилоятининг икки миллиондан ортиқ аҳолиси соғлигини муҳофаза этишга ҳисса қўшиб келаётган шифокорларда ҳам айнан шундай хислат мужассам.**

Меҳнати таҳсинга лойиқ шундай шифокорлардан бири Дилором Тўраевадир. Мактабда ўқиб юрган даврларидаёқ оқ халатли шифокорлар касбига меҳр қўйган Дилором 1976 йилда Тошкент тиббиёт академияси талабаси бўлди. Интилувчан талаба устозларидан тиббиётнинг сир-асрорларини мукамал ўрганишга ҳаракат қилди ва 1982 йилда институтнинг даволаш факультетини тугатиб, Сурхондарё вилоятининг Сарийон туман тиббиёт бирлашмасида фаолият бошлади. Ёш мутахассис ўз жамоасида сидқидилдан меҳнат қилди, беморлар қалбига ширин сўзи билан кириб борди, улар меҳрига сазовор бўлди.

Тажрибали акушер-гинеколог 1991 йилдан бошлаб Узун туманидаги янгидан ташкил этилган шифохонада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларида фаол қатнашиб, қанчадан-қанча оилаларга қувонч бахш этди. Унинг қўли энгил шифокор, масъулиятли, билимдон мутахассис эканлигига ишонч ҳосил қилган раҳбарлар Дилором Тўраевани туғруқхона бўлими

бошлиғи этиб тайинлашди. Дилором опа ўзига билдирилган бундай ишончдан асло чўчимади, аксинча бор имкониятларини ишга солиб, халқ саломатлигини асраб-авайлаш йўлида чин дилдан хизмат қилди. Шифокорнинг тажрибаси йиллар мобайнида шаклланди, шу тариқа Дилором Тўраева туғруқхона бўлимида тиббий хизмат сифатини яхшилашга, уни замон талаблари даражасида ташкил этишга астойдил киришиб, самарали натижаларга эришди, шунингдек, муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бирга беморлар учун етарли шароитларни тўғри йўлга қўйди. Шу билан бирга, у ўз малакаси устида изланиб, ўқиб жарроҳлик касбини ҳам мукамал эгаллади. Айрим ҳолларда аёлларни кесар кесиш усулида туғдириб олиш, бачадон бўйни ўсмаси, бачадон бўйни йиртилиши, миома, киста, бачадон ташқарисида ривожланган ҳомиладорликнинг олдини олиш каби жарроҳлик амалиётларини ҳамкасблари билан биргаликда муваффақиятли амалга оширишда катта тажрибага эришди.

– Мен бу ердаги меҳрибон

шифокорлардан миннатдорман. Айниқса, Дилором опанинг эътибори далда бўлиб турди, – дейди туғруқхонага оғир аҳволда келтирилган ёш она Фотимахон қувончи ичига сиғмай. – Уларнинг кўмаги билан фарзандим соғлом дунёга келди. Энди уни меҳр билан парваришлашим керак. Бу борада ҳам улар менга яқин маслаҳатгўй.

– Қизчамга Дилором опа доялик қилди, у соғ-саломат туғилди. Ана шу шифокордек қўли энгил, ширин сўз бўлсин, деган умидда фарзандимга уларнинг исмларини қўйдик, – дейди ёш она Нафосатхоним мамнун қиёфада.

Жамоада соғлом муҳит барқарор бўлиб, ходимларнинг бир-бири билан муносабатлари самимий. Бундай муҳитни қарор топтиришда унинг ҳам алоҳида хизмати бор. Дилором Тўраева айни пайтда Узун туман тиббиёт бирлашмаси бош акушер-гинеколог сифатида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга оид тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга ҳам бош бўлиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш масалаларига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1096-сонли ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломамлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва жисмоний, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни кучайтириш ва самара-

дорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1144-сонли Қарорлари ижросини таъминлашга йўналтирилган ишлар кўлами жуда кенг.

– Туманимизда жами 73119 нафар хотин-қиз бўлиб, шундан туғиш ёшидагилар 41179 нафардир, – дейди Дилором опа. – Жорий йилда улардан 38378 нафарини тиббий кўриқдан ўтказиб, улар орасидан 22234 нафар экстрагенитал касаллигига чалинганларни аниқладик. 15149 нафар аёл даволанди ва соғломлаштирилди. Ҳар бир ҳудудга тиббиёт ходими бириктирилган бўлиб, улар оилаларга кириб борган ҳолда аҳоли соғлигини назорат қилиб туришади. Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар ўз вақтида бепул поливитамин билан таъминланмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, кейинги йилларда Тожикистон алюминий заводидан атмосферага чиқарилаётган захарли тўтун оқибатида айрим касалликлар кўпаймоқда. Ана шу муаммо туфайли соғлигини йўқотган беморлар реабилитация бўлимида даволаниб, соғломлаштирилмоқда.

– Дилором Тўраева тиббиёт бирлашмамизда ҳурмат-эътибор қозонган, билимдон ва тажрибали шифокорлардан бири. У туғ-

руқхона бўлимида намунали тиббий хизмат ташкил этишга раҳбарлик қилиш билан бирга бирлашмамиз тадбирларида фаол қатнашиб, ўз зиммасига юклатилган топшириқларни аъло даражада бажариб келмоқда, – дейди ҳамкасби тўғрисида самимият билан тиббиёт бирлашмаси бош врач ўринбосари Саида Туранова.

Дилором опа нафақат шифокор, балки меҳрибон она, саранжом-саришта уй бекаси ҳамдир. У турмуш ўртоғи билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Тўнғич қизи Дилдора Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг 3-босқич талабаси бўлса, Дилноза тиббиёт коллежида, ўғли Беҳзод эса Сингапур менежментни ривожлантириш институтида таҳсил олмоқда. Ўғиллари Бунёд ва Аббослар мактаб ўқувчиларидир. Фарзандларининг она касбига меҳр қўйганлиги Дилором опага фахр бағишлайди.

Ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган Дилором Тўраева устоз-шоғирд аъналарига содиқ ҳолда кўплаб ёш тиббиёт ходимларига устозлик қилиб ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқда.

**Элга хизмат қилиш – олийҳимматлик белгиси аслида. Айниқса, шифокор беморга мушкул вазиятда ёрдам қўлини чўзгани билан кадр ва обрў-эътибор топади. Узун тумани аҳолисига елиб-югуриб хизмат қилаётган Дилором Тўраева ҳақида Ўзар эканман аллома Шайх Саъдийнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:**

*Бўлак яхши ном истама, шул етар,  
Сени яхши одам десалар эл агар.*

Сафар КОКИЛОВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

## Тадбир

БАРЧА БОЛАЛАР  
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамда Қизил ярим ой жамияти Мирзо Улуғбек тумани бўлими ҳамкорлигида “Ёшлар – спорт тарафдори” шиори остида тадбир бўлиб ўтди.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тиббий-ижтимоий ҳолатдан қатъи назар, барча болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ногиронликнинг олдини олиш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда эҳтиёжли болаларга ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий кўмак кўрсатиш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига яқиндан кўмаклашиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқ-

да. Хусусан, уларни спортнинг барча турларига кенг жалб этиш мақсадида таълим муассасаларида ўқув тўғрисидаги мусобақалар ташкил этилмоқда.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад – ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданияти ҳамда ҳаётга, яшашга бўлган кизиқишларини оширишдан иборатдир. Шу муносабат билан шаҳаримиздаги республика ихтисослаштирилган касб-ҳунар колле-

жида таҳсил олаётган ногирон талаба-ёшлар ўртасида шахмат, шашка ва стол тенниси бўйича мусобақа ташкил этилди. Фолиблар аниқланиб, ташкилотчилар



томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шунингдек, тадбир доирасида коллеж талабаларининг Ватанимиз, она-табиатни асраш ва болалик қарашлари акс эттирилган суратлари намойиш қилинди. Бадий қисмда эстрада хонандаларининг чиқишлари ёшлар қалбига ўзгача файз ва кўтаринкилик кайфияти олиб кирди.

Анвар САМАТХОДЖАЕВ.  
Муаллиф олган суратлар.

2013 йил – Обод турмуш йили  
БИРЛАМЧИ ШИФО  
МАСКАНИ

Чортоқ туманидаги “Ҳазратишоҳ” қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 7 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Улардан 4 минг 285 нафари 14 ёшгача бўлган болалар ва туғиш ёшидаги аёллардир.



Бирламчи шифо масканида умумий амалиёт хонаси, кундузги шифохона, физиотерапия, лаборатория, доя, эмлаш, муолажа, стерилизация хоналари ҳамда дорихона ишлаб турибди. 24 нафар тиббий ходим меҳнат қилаётган маскан замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Аҳамиятлиси шундаки, ҚВПда фаолият юритаётган шифокор ва ҳамшираларнинг астойдил меҳнатлари туфайли аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилиниб, касалликларнинг олди олинмоқда.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ  
олган сурат (ЎЗА).

Умумий амалиёт врачлари учун

# АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИ ДАВОЛАШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

(Давоми.  
Боши 40-сонда).

## 9. ЛАБОРАТОР ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ

Доимий текшириш усуллари:

- Зардобдаги глюкоза миқдори;
- Умумий холестерин;
- Кам зичликдаги липопротеинлар холестерини;
- Юқори зичликдаги липопротеинлар холестерини;
- Триглицеридлар;
- Зардобдаги калий;
- Зардобдаги сийдик кислотаси;
- Зардобдаги креатинин;
- Кокрофт-Голт формуласи бўйича креатинин клиренси ёки MDRD формуласи бўйича коптокчалар филтрасиясининг тезлиги;
- Гемоглобин ва гемокрит;
- Сийдик анализи (чўкма микроскопияси, микроальбуминурия);
- ЭКГ.

## Тавсия этиладиган қўшимча текшириш усуллари:

- Эхокардиография;
- Уйку артерияларининг ультратовушли доплерографияси;
- Протеинурияни миқдорий аниқлаш;
- Тўпиқ-елка индекси;
- Кўз тубини текшириш;
- Глюкозага толерантлик тести (агар плазмадаги наҳорги глюкоза миқдори > 5,6 ммоль/л (100 мг/дл);
- АБни суткалик мониторинг;
- Пульс тўлқини тезлигини ўлчаш (имкон бўлса).

## Чўқур текширишлар (мутахассислар томонидан бажарилади):

- АГ асоратларини аниқлаш – томирлар, буйрак, бош мия шикастланиши. Асоратланган АГда ўтказилиши шарт.
- Анамнез йиғиш, физикал текширув ёки доимий текширишлар натижасига кўра иккиламчи АГ шубҳа қилингандаги диагностика қидирув: плазма ёки сийдикдаги ренин, альдостерон, кортикостероидлар, катехоламинлар миқдорини аниқлаш, артериография, буйраклар ва буйрак усти безларининг ультратовуш текшируви, компьютер ёки магнитли резонанс томографияси.

## 10. НИШОН АЪЗОЛАРИ СУБКЛИНИК ШИКАСТЛАНИШНИ БАҲОЛАШ

### Юрак

Чап қоринча гипертрофияси, ишемия, ритм бузилишларини аниқлаш учун ЭКГни юқори АБли кишилар доимий текширувининг бир қисми сифатида ҳисоблаш зарур. Эхокардиография чап қоринча миокарди гипертрофияси ва унинг систолик фаолиятини аниқлашда энг сезгир усул сифатида тавсия этилади. Бу усул ёрдамида юракнинг геометрик моделини аниқлаш мумкин, чунки концентрик гипертрофия энг ёмон оқибатга эга. Трансмитрал доплерография ёрдамида чап қоринчанинг диастолик дисфункцияси баҳоланади.

### ТОМИРЛАР

Томирлар девори ремоделингини ёки симптомсиз ате-

росклерозни аниқлаш учун ташқи уйку артерияларининг ультратовушли доплерографияси тавсия этилади. Йирик артериялар қаттиқлигини (қариялардаги ажралган систолик АГ сабаби) пульс тўлқини тезлигини баҳолаш усули ёрдамида ўлчаш мумкин. Паст тўпиқ-елка индекси периферик артериялар касаллигидан дарак беради.

### БУЙРАКЛАР

АГ туфайли буйрак шикастланиши буйраклар фаолияти пасайиши ёки альбуминнинг сийдик билан экскрецияси ошиши асосида аниқланади. Доим плазмадаги креатинин миқдорини ва MDRD формуласи бўйича коптокчалар филтрасиясининг тезлигини ёки Кокрофт-Голт формуласи бўйича креатинин клиренсини аниқлаш зарур. Протеинурия АГнинг барча турларида аниқланиши зарур.

Кўз тубини текшириш оғир АГда тавсия этилади. Тўр парда томирларининг энгил ўзгаришлари кенг тарқалган бўлиб, специфик эмас. Қон қуйилишлар, экссудатлар ва кўз нерви сўргичининг шиши фақат оғир АГда ўрайди ва юқори юрак-қон томир хавфи билан бирга кечади.

### БОШ МИЯ

АГли кишиларда компьютер томографияда ёки магнитли резонанс томографияда аниқландиган симптомсиз мия инфарктлари, лакунар инфарктлар, майда қон қуйилишлар ва оқ модда шикастланишлари кўп учрайди. Когнитив фаолиятни баҳоловчи тестларни қўллаш қария беморларда бош миянинг субклиник шикастланишларини аниқлашга ердан беради.

## 11. АНТИГИПЕРТЕНЗИВ ТЕРАПИЯ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ДАЛИЛЛАРИ

• Кўпгина йирик плацебо назоратли текширишларда АБнинг пасайиши фатал ва нофатал юрак-қон томир асоратларини камайтириши инкор қилиб бўлмайдиган даражада исботланган. Ижобий самара диуретиклар, бета-блокаторлар, кальций антагонистлари, Ангиотензин айлантурувчи фермент ингибиторлари ёки ангиотензин рецепторларининг блокаторлари қўлланилганда кузатилади.

• Турли антигипертензив препаратлар солиштирилган текширишларда АБнинг турли антигипертензив препаратлар (ёки препаратлар комбинацияси) билан бир хил даражада пасайиши юрак-қон томир асоратлари частотаси турли даражада камайишига олиб келиши ҳали аниқ исботланмаган. Бу текширишларда (ва уларнинг метаанализида) ишлатилган препаратлар туридан қатъи назар, АБ пасайишининг барча юрак-қон томир асоратларини, шу жумладан бош мия инсульти, миокард инфаркти ва юрак етишмовчилигини камайтиришдаги асосий роли кўрсатилган.

• Айрим препаратлар қабул қилинганда АБ даражаси пасайишига боғлиқ бўлмаган таъсирлари аниқланган. Булар инсулт, юрак етишмовчилиги, коронар ҳолатлар каби юрак-қон томир асоратлари пасайишидир, лекин бу таъсирлар АБ пасайишига боғлиқ асосий таъсирга қараганда камроқдир.

• Айрим препаратлар қабул қилинганда АБ даражаси пасайишига боғлиқ бўлмаган таъсир-

лари нишон аъзолари субклиник шикастланиши, юрак ва буйрак етишмовчилиги ҳамда бўлмачалар фибрилляциясининг олдини олишда аниқроқ кўрсатилган.

## 12. БОШЛАНГИЧ АНТИГИПЕРТЕНЗИВ ТЕРАПИЯ

Антигипертензив терапияни бошланиши кикта критерийга жавоб бериши керак:

1. САБ ва ДАД даражасига;
2. Умумий юрак-қон томир хавфи даражасига.

### Нималарга эътибор бериш керак:

1. 3-даражадаги АГда, шунингдек 1- ва 2-даражали АГда, юқори ҳамда жуда юқори юрак-қон томир хавфида медикаментоз даволанишни тезлик билан бошлаш зарур.

Ю, НАШ, АК	АБ мм с.у.				
	Нормал САБ 120-129 ёки ДАБ 80-84	Юқори норма САБ 130-139 ёки ДАБ 95-99	1-даражали АГ САБ 140-159 ёки ДАБ 90-99	2-даражали АГ САБ 160-179 ёки ДАБ 100-109	3-даражали АГ САБ > 180 ёки ДАБ > 110
